



## ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРНИ ГИС ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ХАРИТАГА ТУШИРИШ

**Бекжанов Нурсултан Бахитжанович**

*Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти  
магистранти*


**Аннотация.** *Мақолада Шўрланган тупроқларни харитага тушириш» (солевая съёмка) ишларини ўтказиш, олинган янги маълумотлар асосида ўрганилган массивлар тупроқларининг механик таркиби, шўрланиш даражаси, шўрланиш механизми (типи), устки илдиз қатламидаги (0-1м) тузлар захирасининг ўртача миқдорий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ГИС технологияси асосида бажарилган.*

**Калит сўзлар:** *механизм, шўрланиш даражаси, унумдорлик, мелиорация.*

Сўнгги йилларда шўрланган тупроқларни шўрсизлантириш, экин экиладиган шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига катта маблағ ва меҳнат сарфланаётганлигига қарамасдан, бир қатор суғорилиб деҳқончилик қилинадиган массивларда шўрланган тупроқлар ҳамон учраши, захарли тузларнинг меъеридан ортиқча тўпланиши эса тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг камайишига олиб келмоқда. Ҳозирда республикамизнинг 4304,32 минг гектар экин экиладиган ерларнинг 50% дан кўпроғи турли даражада шўрланган бўлиб, кучсиз шўрланган ерларда пахта ҳосилини шўрланмаган унумдор ерларга нисбатан 20-30%, ўртача шўрланган ерларда 40-60 %, кучли шўрланган ерларда эса 80% гача камайиши илмий тадқиқотлар ва дала тажрибаларида исботланган. Юқоридаги муаммолардан келиб чиққан ҳолда, республикамиз экин экиладиган ерларида иккиламчи шўрланиш жараёнларининг олдини олиш ва мелиорация муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш учун республикамиз экин экиладиган ерларининг асосий хосса-хусусиятлари ва мелиоратив-экологик ҳолатини чуқур ўрганиш, бунинг учун эса экин экиладиган ерларда йирик ҳажмдаги «Шўрланган тупроқларни харитага тушириш» (солевая съёмка) ишларини ўтказиш, олинган янги маълумотлар асосида ўрганилган массивлар тупроқларининг механик таркиби, шўрланиш даражаси, шўрланиш механизми (типи), устки илдиз қатламидаги (0-1м) тузлар захирасининг ўртача миқдорий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда шўр ювиш меъёрлари, муддатлари ва такрорийлиги, шунингдек бошқа керакли агромелиоратив тадбирлар тизимини қўллаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Хариталаштиришнинг (солевая съёмка) асосий мақсади республикамиз вилоятлари экин экиладиган ерлари тупроқларидаги сувда осон эрувчи тузларнинг умумий миқдори (%), уларнинг массивлар ерларидаги тарқалиш қонуниятлари, шўрланган ерлар контурлари ва майдонларини аниқлаш, тузилган харитограмма

асосида шўр ювиш тадбирларини амалга ошириш ҳамда массивлар экин экиладиган ерлар тупроқларининг мелиоратив ҳолатини назорат қилиб боришдан иборат.

Хариталаштириш материаллари асосида шўрланишнинг экин майдонлари маҳсулдорлиги ва унумдорлиги ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига кўрсатадиган салбий таъсири аниқланиб, асосий экинларни жойлаштириш тадбирлари режалаштирилади, тупроқларнинг шўрини ювиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради. Харитограммада тупроқнинг устки 0-2 метрлик, айниқса илдиз тарқаладиган қатламидаги (0-1м) туз захираларини ҳисобга олиш, улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш даражасини аниқлаш, мелиоратив вазифаларини (шўр ювиш) ҳал қилиш ҳамда муайян майдонларда тубдан мелиорациялаш масаласи ечимини топиш имконини беради.



**Қорақалпоғистон Республикасида шўрланган қишлоқ хўжалиги ерларининг харита-схемаси, %да.**

Шўрланган тупроқларни қайд қилиш, ҳисобга олиш ва харитограмма тузишнинг биринчи манбалари бўлиб, сувли сўрим анализларига асосланган хариталаштириш материаллари ҳамда тупроқ шўрланиш даражасини аниқлашнинг бошқа замонавий тезкор усуллари (электрокондуктметрлик усул) маълумотлари хизмат қилади.

Хариталаштириш (солевая съёмка) материалларидан:

- массивлар ерларининг тупроқ шўрланиши харитограммасин тузиш;
- массивларнинг ҳар бир экин экиладиган майдонлари учун жорий шўр ювиш нормаларини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги мелиоратив ҳолатни мунтазам назорат қилиб бориш;

Экин экиладиган ерларнинг ўтган даврдаги унумдорлик даражаси ва шўрланиш динамикасини аниқлашда кенг фойдаланалида.

«Шўрланган тупроқларни харитага тушириш»нинг дала- съёмка ва лаборатория-аналитик тадқиқотлари Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой тумани

тупроқларида амалга оширилиб, олинган маълумотлар асосида мазкур тумандаги массивлар экин экиладиган ерларининг «Тупроқ шўрланиш харитограммаси» компьютер графикаси асосида чизилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Даденко Е.В. Методические аспекты применения ферментативной активности в диагностике и мониторинге почв // Биология почв Юга России. Ростов-на-Дону: Изд-во ЦВВР. 2004. - С. 65-71.

2. Казеев К.Ш., Колесников С.И. Биологическая диагностика почв: методология и методы исследований // Ростов-на-Дону: Изд-во Ростовского ун-та. 2012. - 260 с.

3. Тошқўзиев М.М., Шадиева Н.И. Тупроқда умумий гумус ва ҳаракатчан гумус моддалари микдорида унинг унумдорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланишга доир услубий кўрсатмалар. Тошкент. 2006. – 47 б.

4. Хазиев Ф.Х. Методы почвенной энзимологии // М.Наука. 2005. 252 с.